





Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 21 июнь • пайшанба • № 73 (4046)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА АҲОЛИНИ УЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлашнинг ва фармацевтика тармоғини бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакат аҳолисини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишга, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ва аҳоли соғлиғининг кўрсаткичларини оширишга тўсқинлик қилаётган муайян муаммолар ҳанузгача ҳал қилинмасдан қолмоқда.

Хусусан, дори воситаларини, жумладан, уларни ишлаб чиқариш ва қўллашга юқори талаблар қўйилган мамлакатларда тайёрланган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳаддан ташқари мураккаблигича қолмоқда, бу эса самарасиз дори воситаларининг олиб кирилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарнинг кенг тармоғини яратиш, шунингдек, фармацевтика бозорида давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш ва шаффоф рақобатни ўрнатиш зарурати ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тартибини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, сифатли дори воситаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва Ўзбекистон фармацевтика бозорининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини, жумладан, дори моддалари (субстанциялар) ва дори препаратлари (кейинги ўринларда дори воситалари деб аталади)ни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини 2018 йил 1 августдан жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш уларнинг сотиб олиш қиймати ёки улгуржи нархига 10 фоиз чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

б) юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш:

хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги бўйича шубҳа уйғотмайдиган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун масъул бўлган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларни табақалаштириш асосида;

давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларнинг тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тақдирда амалга оширилади;

в) мазкур Фармоннинг 1-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган тартиб қўлланиладиган дори воситалари ушбу воситаларнинг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилишида экспертиза қилинмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5229-сон Фармонининг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) илғор халқаро амалиётни ўрганиш асосида бир ой муддатда асосий касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари қайта кўриб чиқилишини ҳамда ҳар чоракда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхати қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 20 июлга қадар муддатда танқидий ўрганиш ўтказиб:

юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини белгилаш;

дори воситаларининг божхона расмийлаштирувига, давлат рўйхатидан ўтказилиши ва реализация қилинишига талабларни такомиллаштириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича таклифлар киритсин;

в) Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда мамлакатда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда қўллашга тақиқ мавжудлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилсин, бундай тақиқларни жорий этишнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўргансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар келгусида қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 20 июлга қадар муддатда:

дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар рўйхатини тасдиқлаш учун;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиков, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 июнь

## КУН НАФАСИ

Кеча **«Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

*ЎзА*

**«Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Президент қарори эълон қилинди.

*ЎзА*

* * *

**«Давлат мулки объектларини сотиш ва давлат мулкини ижарага бериш бўйича электрон савдолар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»**ги ҳукумат қарорига асосан, электрон шаклда ўтказиладиган аукционлар ва танловлар воситасида масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондларидаги давлат улушларини, давлат кўчмас мулк объектларини сотиш ҳамда ижарага бериш тартиби белгиланди.

*«Ҳуқуқий ахборот» канали*

* * *

Вазирлар Маҳкамаси **«Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида «Ўрмонтехносервис» давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»**ги қарорни қабул қилди.

*Kun.uz*

* * *

2018 йилнинг 20 июнь куни Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимизга ташриф буюрган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) бош котиби **Халил Иброҳим Акча** ва Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси **Муҳаммад Ҳаниф Атмар**ни қабул қилди.

*ТИВ ахборот хизмати*

* * *

Европа Иттифоқи **Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион евро ажратишни режалаштирмоқда.** Бундан ташқари, томонлар «Фарғона водийсида сув ресурсларини барқарор бошқариш» грант лойиҳалари бўйича 30 миллион евро ва чорвачилик соҳасини ривожлантиришга 15 миллион евро миқдоридаги молиявий битимларни имзолашга келишиб олишди.

*Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси матбуот хизмати*

* * *

**«Вакф» хайрия жамоат фонди ҳисобига 19 июнь куни 1 532 664 548 сўм келиб тушди.**

*muslim.uz*

* * *

Эрон нефть вазири **Бижор Номдор Зангонийнинг эълон қилишича, Эрон 23 июнь куни нефть қазиб олиш ҳажмларини ошириш масаласи бўйича ОПЕК+ учрашувида иштирок этмайди.** АҚШ бозордаги ресурс қиймати пасайиши учун шундай чоралар тарафдори бўлиб турибди. Россия эса қазиб олишни оширишни қўллаб-қувватлаётгани йўқ.

*Reuters*

* * *

Россиянинг **«Николь-Пак» компанияси** Ўзбекистондаги энг йирик қоғоз ишлаб чиқарувчи **«Angren Pack» АЖ**ни тўлиқ сотиб олмоқчи.

*Kun.uz*

* * *

Адлия вазирлиги **«Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси»** танловини эълон қилди. Унда **18 ёшга тўлган барча фуқаролар иштирок этиши мумкин.** Ҳужжатлар йилнинг 25 июлига қадар қабул қилинади.

*«Ҳуқуқий ахборот» канали*

* * *

Озарбайжонда **Рамазон ҳайити беш кун мобайнида** нишонланмоқда.

*Islam.ru*

* * *

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси **Усмонхон Алимов Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида «Қозоғистон – Ўзбекистон: диний алоқаларининг янги босқичи» мавзусидаги халқаро форумда ўз маърузаси билан иштирок этди.** Форум Қозоғистонда 2018 йилнинг «Ўзбекистон йили» деб эълон қилиниши доирасида ўтказилмоқда.

*ЎМИ Матбуот хизмати*

* * *

**Канада сенати марихуана сотиш ва истеъмол қилишни қонунийлаштирди.** Қонун лойиҳасига кўра, вояга етган ҳар бир фуқаро 30 граммгача наркотик сотиб олиши мумкин.

*Associated Press*

* * *

Ўзбекистонда «Қорадори – 2018» тадбири давомида қарийб **1,5 минг кв.м. ер майдонида етиштирилаётган 243 килограмм гиёҳванд модда** аниқланиб, йўқ қилинди.

*Kun.uz*

* * *

2018 йилнинг **энг қудратли армиялари рейтинги эълон қилинди. Унда бюджетидан йилига 581 миллиард доллар ажратилувчи АҚШ армияси 1-ўринни эгаллаган.** Ўзбекистон 136 мамлакат орасида 39-ўринни эгаллади.

*Global Firepower сайти*

* * *

«Google» дастурчилари **инсон саломатлигини баҳолайдиган ва унинг ўлими санасини айтиб бера оладиган «Medical Brain» номли алгоритм яратишди.** Муҳандислар сунъий интеллектда 216 000 нафардан зиёд катта ёшли беморларнинг маълумотларини таҳлил қилишган.

*Nv.ua*

* * *

АҚШнинг Калифорния штатида бўлиб ўтадиган **«Technovation Challenge» қизлар танловининг финал босқичида илк бор Ўзбекистоннинг «Generation 3» жамоаси иштирок этади.**

*Xabar.uz*

* * *

Ўзбекистонлик ФИФА ҳаками **Равшан Эрматов Россияда ўтказилаётган 2018 йилги жаҳон чемпионатининг 2-туридан ўрин олган Аргентина-Хорватия ўйинига бош ҳакам сифатида тайинланди.**

*Kun.uz*

Президент ташрифидан сўнг...

## ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ
### *тинчлик-осойишталикда мужассам*

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва имкониятларига унинг армияси, жанговар қобилияти ҳамда тайёргарлигига қараб баҳо берилиши, шубҳасиз.

Чексиз фахр билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли сарҳадларимиз дахлсизлиги, тинч ва осуда ҳаётимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучларимиз ташкил этилди. Профессионал миллий армиямизни такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самара бермоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг вилоятларга ташрифи чоғида ҳарбий қисмларда ўтказаётган учрашувлари, умуман олганда, ҳарбий тизимни ривожлантириш борасида белгилаб берган устувор вазифалари Қуролли Кучларимиз қудрати ва салоҳиятини янги босқичга олиб чиқмоқда. Шу йилнинг 12-13 июнь кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи доирасида Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлгани биз учун унутилмас воқеа бўлди.

2▸

Экспорт



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

## «Варганза анори» бренди учун

*Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари асосан мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган.*

Пишиқчилик мавсумида мева-сабзавотни жойлаш учун арзон ва қулай қутиларга эҳтиёж тобора ортади. Китоб туманидаги «Китоб агропласт» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган пластмасса қутилар ушбу эҳтиёжни тўла қондираётир.

Корхонада яшик ишлаб чиқариш цехи, бир гектар лимонарий ва 2 минг тонна сиғимли музлаткич мавжуд. 15 нафар ишчи меҳнат қилади. Кунига 700 донагача яшиклар ишлаб чиқарилмоқда. Бир гектар анорзорда 1000 туп анор дарахти бор. Нави «Варганза» деб аталади. Унга хорижда талаб жуда катта. Уларни экспортга йўналтиришда мазкур қутиларнинг аҳамияти катта бўлади.

# ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ

## *тинчлик-осойишталикда мужассам*

◂1

Президентимиз ҳарбий қисмдаги ҳаво десантчилари машғулотларини кузатиш, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилиш чоғида Қуролли Кучларимизни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини ошириш, ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш, жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш масаласи давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолишини қайд этди. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегиясида ҳам юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олингани, шу асосда аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилингани, уларни амалга ошириш бўйича самарали ишлар ташкил этилгани диққатга сазовордир.

Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураяпти. Бундай мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш жуда долзарб саналади. Шу боис мудофаа соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш, Қуролли Кучларимизни замон талаблари даражасида такомиллаштириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди. Бу доктринанинг маъно-мазмуни биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда ташкил этилган Маданий ҳордиқ маркази, Маънавият маркази, аутсорсинг тизими жорий этилган ошхонани кўздан кечирди. Ҳарбий-ҳаво десантчилари тайёргарлигини ошириб бориш учун аэродинамик тренажёрлар ўрнатиш, «Ватанпарвар» ташкилотлари ҳузурида парашютчилар тўгараклари очиш бўйича топшириқлар берди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизда ватанпарварлик руҳи юксалишига ҳисса қўшади. Эътироф этсак арзийдики, миллий армиямизнинг юқори нуфузга эга бўлишида ана шу жиҳатлар билан биргаликда, бугунги кун талабларига жавоб берадиган олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилгани, соҳага малакали кадрлар тайёрлаб бериш тизими тубдан такомиллаштирилаётгани ҳам муҳим ўрин тутаётир.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар профессионал асосдаги Қуролли Кучларимизнинг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қиляпти. Қолаверса, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётнинг ишончли кафолатига, ёшлар ҳамда ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланмоқда.

Бу эътибор ва ғамхўрликларлар, юксак ишонч ва чексиз ғурур Ватанимизни ҳар томонлама ҳимоя қилишга, халқимиз тинчлигини асрашга чорлайверади.

**Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ,**
Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони ўринбосари

Ёз — 2018




## Сирдарё соҳилларида завқли таътил

**Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишлаб «Янги авлод хавфсизлиги ва саломатлиги» шиори остида Сирдарё туманидаги «Сирдарё» оромгоҳида қатор тадбирлар ўтказилди.**

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси, вилоят халқ таълими бошқармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро ҳукуматга қарашли бўлмаган хайрия фонди вилоят бўлими томонидан мавзуга оид ташкил қилинган слайд ва видеороликлар тақдимоти барчада катта таассурот қолдирди. Бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Бозорбой Исматов тақдимотда бутун жаҳонда болалар меҳнатининг кўринишлари ва унга қарши кураш, болалар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Рус миллий-маданий маркази қошидаги «Гармония» ансамбли хонандалари билан оромгоҳдаги қўшиқ ва рақс тўгараги аъзоларининг учрашуви ўзига хос мастер-классга айланиб кетди. Устоз ва шогирдлар бирга қўшиқ куйлаб, рақсга тушдилар.

Шунингдек, футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, «Қувноқ стартлар» мусобақалари, китобхонлик, шеърхонлик, иқтидорли болалар иштирокида «Янги авлод хавфсизлиги ва саломатлиги» шиори остида расм чизиш танлови ўтказилди ҳамда расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Якунда энг фаол иштирокчиларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«Ishonch» мухбири



Халқаро ҳамкорлик

**Пойтахтимиздаги «Wyndham» меҳмонхонасида Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Испания инвестиция ва экспорт агентлиги (ICEX) томонидан «Кўп томонлама ҳамкорлик» мавзусида бизнес форум ўтказилди.**

## Ўзбекистон — Испания: ИШБИЛАРМОНЛАР ФОРУМИ

Тадбирда Испаниянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игнасио Ибанеса, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, Испания инвестиция ва экспорт агентлиги — ICEX бош директори Франциско Хавьер Серра, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов сўзга чиқди. Икки кунлик ушбу бизнес форумда 4 та асосий йўналишда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича музокаралар олиб борди.

Форумдан кўзланган мақсад Ўзбекистон билан Испания ўртасида энергетика, транспорт инфратузилмалари, шаҳар сув таъминоти ва санитария тизимлари, қаттиқ чиқиндиларни бошқариш, қурилиш, озиқ-овқат саноати ва инжиниринг хўжалиги каби соҳаларда ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, испаниялик тадбиркорлар учун интерфаол платформа яратишдан иборат эди. Ушбу платформада томонлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга оид таклифларни муҳокама этди.

Бизнес-форумда Испаниянинг 20 тага яқин компанияси иштирок этди.

— Биз ҳозир Ўзбекистон ҳукумати билан молиявий меморандумни имзолаш бўйича музокараларни давом эттирмоқдамиз — дейди Испания Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Игнасио Ибаньеса. — Инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати йўналишларидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистонга 150 млн. евро миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Испания ва Ўзбекистон ҳукумати ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Яқин келажакда мамлакатларимизнинг ҳукуматлараро комиссиялари учрашиб, ҳамкорлик режасини ишлаб чиқади.

Ўзбекистонда инновацион иссиқхоналарни қуриш бўйича Испаниянинг 10 тадан ортиқ компаниялари таклиф билдирмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳукумати ўтган қиш мавсумида иссиқхоналарда етиштирилган помидорнинг ҳар бир кг.ни 15 АҚШ долларигача бўлган баҳода экспорт қилган эди. Бу эса мазкур соҳанинг қанчалик сердаромад эканидан далолат беради. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ҳақида Испания бизнес вакилларига батафсил маълумот берди.

**Нозима УМАРОВА,**
«Ishonch» мухбири

Кўрик-танлов

**Ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантириш, онгу шуурида мамлакат истиқболига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш борасида Навоий вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

## Фаол ёшлар фаолияти эътирофда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан анъанавий тарзда ташкил этиладиган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи ҳам бу жараёндаги ишлар яққол намоён бўлди.

Кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 100 нафарга яқин мутахассис ўз салоҳият ва омадини синаб кўрди. Шундан 30 нафарга яқини вилоят босқичига чиқди.

Якуний натижаларга кўра, Карим Маматов — «Энг фаол ёш шифокор», Чарос Маматова — «Энг фаол ёш тарбиячи», Иномм Баҳромов — «Энг фаол ёш олим», Аслиддин Очилов — «Энг фаол ёш фермер» номинациялари ғолиби бўлишди.

— Бугунги тадбир мен учун ҳар томонлама қувончли ўтди, — дейди танлов ғолибаси Чарос Маматова. — Негаки, унда ёшлар эътибордан ҳеч қачон четда эмаслигини яна бир карра ҳис этдим. Шу Ватаннинг эртанги куни учун масъуллигимни, бунинг учун бор куч ва билимимга таяниб, ҳаракат қилишим лозимлигини англадим.

Ғолиблар вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг совға ва дипломлари билан тақдирландилар.

**Фаррух ХУДОЯРОВ,**
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Семинар

# Кун тартибида мажбурий меҳнат мавзуси

**Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олишда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш мавзусига бағишланган амалий семинар ташкил қилинди. Унда вилоят ҳокимлиги, меҳнат, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари мутасаддилари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**




## Барҳам бериш учун бирлашиш керак

Семинар-тренингда сўзга чиққан Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти Лалайна Разафиндракото Ўзбекистон давлат раҳбари томонидан мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш масаласи кун тартибига чиқарилиши халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланганини, бу жаҳонда Ўзбекистоннинг нуфузи янада ошишига сабаб бўлганини эътироф этди. У ўн кун давомида Хоразм вилоятидаги кўплаб ташкилотда ушбу мавзуда семинарлар ташкил қилингани, жойларда фуқаролар билан учрашганида мажбурий меҳнатга барҳам берилганига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади.

— Мамлакатимиз раҳбарининг Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашувда билдирган фикрлари, ушбу масала ҳукумат томонидан муҳокама қилингани ва у бўйича ҳукумат қарори қабул қилингани мазкур муаммога узил-кесил ечим топишига сабаб бўлди. Хоразм вилоятида ҳам мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш чоралари кўрилмоқда. Касаба уюшмалари томонидан жойларда ташкил қилинаётган мониторингларда бунга гувоҳ бўляпмиз, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова.

— Кейинги йилларда ишсиз фуқароларни жамоатчилик ишларига жалб қилиш тажрибасининг жорий қилингани нафақат аҳоли бандлигини таъминлашда, балки ижтимоий соҳа вакилларининг мажбурий меҳнатига барҳам беришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Урганч шаҳар маҳаллалар кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Феруза Раҳмонова.

Семинар-тренинг баҳс-мунозаралар, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

**Ўз мухбиримиз**

**Меҳнат инсон турмушига чирой, ҳаётига мазмун бағишлайди. Ҳар бир ота-она фарзандининг меҳнатни севувчи инсон бўлиб улғайишини истайди. Аммо бу меҳнатни мажбурийлик асосида амалга оширишни билдирмайди. Чунки киши меҳнат қилишни ихтиёрийлик асосида танлаши ва ўз ишидан ҳузурланиши лозим.**

## «Хасталик»нинг асорати ҳам қолмасин

Тарихимизда халқимизнинг меҳнати заҳматга айлангани ҳеч кимга сир эмас. Пахта монополиясини ўйлаб топганлар дўппи тор келганида «ҳашар» ниқобини кийишнинг ҳам уддасидан чиқишарди. Ким бу мавсумда ўзини четга олса, у ватанпарвар эмас, деб ҳисобланар эди. Турли касб эгалари белига этак боғлаб, далада жавлон ургани ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Айниқса, ўқитувчи ва ўқувчилар бу юмушларга балогардон эди. Теримда юқори унумдорлик кўрсатган мактаб раҳбарлари рағбатлантириларди.

Халқимизда «Дард ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетади», деган гап бор. Шу маънода мажбурий меҳнат деб аталган «касаллик»дан узоқ йиллар мобайнида қутула олмадик. Яқин-яқингача кўча тозалашга мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари, шифокорлар жалб этилди. Энг ачинарлиси, бу ҳолат мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеига салбий таъсир этгани ҳам бор гап.

Энди давр ўзгарди. Давлатимиз раҳбари мажбурий меҳнатни — сиёсатга хиёнат сифатида баҳолади. Афсуски, ана шундай муҳим ижтимоий-сиёсий масалага нисбатан лоқайд муносабатда бўлаётганлар ҳам учраб турибди. Бунга мисол қилиб Самарқанд шаҳридаги 62-мактаб-интернат ўқитувчиларининг муассаса раҳбарияти томонидан мажбурлаб ободонлаштириш ишларига жалб этилганини кўрсатиш мумкин. Қонун талабларига зид иш тутган ўзбошимча раҳбарга қатъий чора кўрилди. У эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Бундан кўпчилик хулоса чиқариши мақсадида мактаб-интернатдаги ҳолат Самарқанд вилояти ХТБ ҳузуридаги ўқитувчиларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда мажбурий меҳнатга жалб этишга қарши кураш бўйича комиссия ҳамда касаба уюшмалари томонидан чуқур таҳлил этилди.

Бундан ташқари, барча таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди. Унда ЎзКУФК ва ХМТ вакиллари томонидан меҳнатнинг мажбурийлик касб этадиган барча жиҳатлари таҳлил қилиниб, уларнинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот берилди. Таълим-тарбия муассасаларида доимий равишда ташкил этилган «Маънавият соатлари»да касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотлар ҳуқуқшунослари томонидан мавзуга оид ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Касаба уюшмалари қошида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» фаолияти ҳам мажбурий меҳнатнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Тизим қошидаги комиссия билан ҳамкорликда зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилаётгани иш самарадорлиги асосини ташкил этаётир. У келгусида янада ортиб боришига ишонамиз.

**Бахтиёр НОМОЗОВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Ҳуқуқий маслаҳатхона



# 3 САВОЛГА 3 ЖАВОБ

Ҳуқуқий давлатнинг биринчи шарти жамиятда қонун устуворлиги таъминланишидир. Давлат ва нодавлат ташкилотлар, идоралар, компаниялар, турли соҳа тизимларидаги корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида юритилади. Бу эса ҳар бир кишининг манфаати қонун ҳимоясида эканидан далолат беради. Юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни қийнаётган айрим муаммоларга ечим топиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида газетамизнинг «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни қайта ташкил этилди. Унда газетхонларни қизиқтираётган саволларга жавоблар бериб борилади.

## МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИНГ ДУБЛИКАТИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Шу вақтга қадар ногиронлик нафақаси олар эдим. Меҳнат дафтарчамни Пенсия жамғармасига топширганман. Ёшга доир пенсияга чиқиш вақти келганда эса бу ерда меҳнат дафтарчам йўқолгани маълум бўлди. Бу муаммони ҳал қилиш учун қандай йўл тутишим зарур?

**Гулбаҳор ИСМОИЛОВА,**
Учқудуқ тумани

Бу масаланинг ечими Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда 401-сон билан рўйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома»да ўз аксини топган. Мазкур йўриқнома қоидаларига биноан, фуқаро меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйган тақдирда, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда, йиртилган, ёнган, ёзувлари чапланган ёки бўялган каби сабабларга кўра ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолганда унинг дубликати ходимнинг охирги иш жойидан берилади. Демак, сизга меҳнат дафтарчангизнинг дубликатини туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига топширишдан олдинги ишлаган ишхонангиз маъмурияти қайта расмийлаштириб бериши зарур.

Бунда, аввало, меҳнат дафтарчасини йўқотган шахс бу ҳақда охирги иш жойига ёзма тарзда хабар бериши кўзда тутилган. Мазкур шахснинг нафақага чиқишдан олдинги ишлаган муассасаси раҳбари хабарномани олганидан сўнг, 15 кундан кечиктирмасдан унга меҳнат дафтарчасининг биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонига «Дубликат» деб ёзилган ҳолда янги меҳнат дафтарчасини тақдим этиши шарт.

**Меҳнат дафтарчасининг дубликатини тўғри расмийлаштириш учун иш берувчи қонунчиликда белгиланган тегишли тартибларга риоя этиши талаб этилади:**

— меҳнат дафтарчасининг дубликати тўлдирилаётганда унинг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» деб номланган қисмидаги охирги иш жойи тўғрисидаги барча маълумотлар илгариги буйруқлар асосида ёзилади;

— ходим мазкур корхонага ишга кирмасдан олдин ҳам ишлаган бўлса, унда меҳнат дафтарчасининг дубликатида белгиланган «Иши тўғрисидаги маълумотлар» қисмининг 3-бўлагига, мазкур корхонага ишга келмасдан олдинги ишлари ҳақидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажи ёзилади. Бунда меҳнат дафтарчаси эгасининг олдинги умумий меҳнат стажи жамланиб, қайси корхона, қай вақтлар ва қандай лавозимларда ишлаган бўлса, йили, ойи ва кунлари умумий тарзда ёзилади. Масалан: бир ишдан бошқа ишга ўтказилгани ва шунга ўхшаш асослар кўрсатилмайди.

**Ҳужжат билан тасдиқланган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган умумий меҳнат стажи унинг иш фаолиятининг айрим даврлари бўйича қуйидагича ёзилади:**

2-бўлагида ишга қабул қилинган сана кўрсатилади;

3-бўлагида ходим ишлаган корхона, цехи ва лавозими номлари ёзилади.

Агар тақдим қилинган ҳужжатларда ходимни мазкур корхонанинг ўзида бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисида маълумот бўлса, бу ҳақда ҳам тегишли ёзув киритилади.

Шундан сўнг дубликатнинг 2-бўлагида меҳнат шартномаси бекор қилинган санаси кўрсатилади. Унинг 3-бўлагида эса, ходим томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда тегишли маълумотлар бўлса, меҳнат шартномасининг бекор қилингани ҳам кўрсатилади.

Ниҳоят, унинг 4-бўлагида дубликатга ёзув киритилиши учун асос бўлган ҳужжатнинг номи, сони, рақами ва санаси киритилади. Иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар эгасига қайтариб берилади.

Иш берувчи ходимга мазкур корхонага кирмасдан олдинги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатларни олишида ёрдам кўрсатишга мажбур экани ҳам ушбу йўриқномада қайд этилган. Аввалги иш стажларингиз тўғрисидаги ҳужжатларни олишда туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳам тегишли ёрдам кўрсатиши зарур.

## ҚИСҚАРТИРИЛГАН ИШ ВАҚТИ КИМЛАР УЧУН?

Мен корхона раҳбари бўлиб ишлайман. Айрим ишлаб чиқариш цехи ходимлари меҳнат вазифаларини бажариши чоғида кун бўйи тик туриб ишлаши, айримлари эса ярим ертўла шароитларида ишлаётганини асос қилиб, қисқартирилган иш вақти белгилашни талаб қилишмоқда. Бундан ташқари, ёш болали аёллар ҳам иш кунини 2 соатга қисқартириб беришни сўрашмоқда. Қонунчиликда кимларга қисқартирилган иш вақти белгиланган ва уларга қай тарзда иш ҳақи тўланади?

**Замира ҲОШИМОВА,**
Тошкент шаҳри

Меҳнат кодексида иш берувчи ва ходим келишувига асосан қисқартирилган иш вақти кимларга белгиланиши аниқ кўрсатиб қўйилган. Хусусан, МКнинг 116-моддасига биноан айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи, меҳнат шартлари, иш вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига биноан, унинг бажарадиган ишига яраша тўланадиган маошини камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

**Иш вақтининг қисқартирилган муддати айрим ходимлар учун қуйидагича тасдиқланган:**

— ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун ҳафтасига 24 соат, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соат;

— I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соат;

— ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун МКнинг 117-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади;

— алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга эса МКнинг 118-моддасига биноан белгиланади;

— уч ёшга тўлмаган болалари бўлган, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар учун МКнинг 228-1-моддасида белгиланган талабга кўра амалга оширилади.

МКнинг 117-моддасига мувофиқ иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсири остида ишлайдиган ходимлар учун қўлланилади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ тараф келишувлари ҳамда жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади. Агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, меҳнат шароитларига баҳо бериш Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланадиган услубият, аниқроғи, иш жойларини аттестациядан ўтказиш асосида белгиланади.

МКнинг 118-моддасига биноан, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги, хусусан, юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, шунингдек, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги — педагоглар, тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар учун иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай касблар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ҳукумат томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 133-сонли қарорининг 4-иловасида алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхати ва 8-иловасида меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддатлари тасдиқланган.

Шунингдек, МКнинг 229-моддасига асосан, ҳомиладор аёллар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи, ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар, шу жумладан, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг илтимосига кўра, иш берувчи уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбур. Бунда иш ҳақи ходим ҳақиқатда ишлаган вақтига мутаносиб равишда тўланади.

**Саволларга касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими мудири Ҳамидулло ПИРИМҚУЛОВ жавоб берди.**

## МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК НАФАҚАСИНИ ВАҚТИНЧА ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Ходим, шу жумладан, ёш мутахассис ишдан четлатилган даврда касал бўлиб қолса, унга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланадими? Умуман, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси кўпи билан қанча муддат давомида ва қай миқдорларда тўланиши керак?

**Толиб ИБРАГИМОВ,**
Урганч шаҳри

«Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 22-бандига асосан, ходим иши ва лавозимидан четлаштирилиб, иш ҳақи тўлаш тўхтатиб қўйилгани сабабли ишламаган даврда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайди.

Ушбу Низомнинг 11-бандига мувофиқ, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнат қобилияти йўқотилган биринчи кундан то у тиклангунга қадар ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси —ТМЭК томонидан ногиронлик белгилангунга қадар, шунингдек, ушбу даврда ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам тўланиши мумкин.

Бунда қонунчиликда назарда тутилган алоҳида ҳолатлар, касб касаллиги, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларга чалинганлар, ногиронлар, пенсионерлар ва шу каби бошқа тоифаларга киритилган ҳолатлар бундан мустасно. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик тўлови ушбу давр бошланган кундан, кетма-кет икки ой ва календар йилда уч ойдан ошмаган муддат учун берилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 285-моддасига биноан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси вазифасини бажариш чоғида майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда ойлик маошининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига, умумий иш стажига, қарамоғида вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб ўртача иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача бўлган миқдорларда тўланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, МКнинг 100-моддаси талабига кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади ва бу даврда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

**Саволга Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош юрисконсульти Абдувоҳид АҲМЕДОВ жавоб берди.**

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади**

Молия муассасаларида

Миллий матбуот марказида «Халқ банки: ислоҳот ва самара» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

# Муҳими, халқ рози бўлсин

Тадбирда АТ Халқ банки тизимида кейинги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар ҳамда уларнинг ижроси хусусида атрофлича фикр юритилди.

Таъкидландики, 200га яқин филиал, 29 та мини-банк, 727 та жамғарма ва махсус касса, 186 та халқаро пул ўтказмалари ҳамда 180 дан зиёд валюта айрибошлаш шохобчаси, умуман олганда, банкнинг 3200 дан зиёд муассасалари мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги «Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан, банкимизга бир қатор имтиёз ва имкониятлар яратилди, — дейди Халқ банки бошқаруви раиси ўринбосари Низомиддин Аббосов. — Ушбу ҳужжатга кўра, 2018-2019 йилларда Халқ банки устав капиталини 1,6 триллион сўмга ошириш, «UzPaynet» МЧЖни Халқ банкининг таркибий бўлинмаси сифатида тузиш белгиланди. Қолаверса, 2023 йилгача солиқлар, банк жиҳозлари ва техникаларини олиб кириш учун божхона тўловларидан озод қилинди. Бугина эмас, ижтимоий тўловлар тўлаш учун нақд пулни ташиш бўйича бепул хизмат кўрсатиш, оптик толали ахборот коммуникация тизимини имтиёзли тарифларда жорий этиш, банк реклама материаллари учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан 50 фоиз миқдорида имтиёз берилди.

Эътиборлиси, АТ Халқ банкининг кейинги йилларда эришаётган молиявий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Матбуот анжуманида Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 12 майдаги «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 13 мартдаги «Пенсия ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ижроси ҳақида ҳам сўз юритилди.

Хусусан, Халқ банкининг сайёр кассалари орқали мамлакатимизнинг 3 миллиондан зиёд пенсионерларига бир ойда 1,5 триллион сўм ҳар ойнинг 27-санасига қадар етказиб берилаётгани айни кўнгилдаги иш бўлмоқда.

**Анвар ҚОБИЛОВ**

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

## «BEST LINE REALTOR» МЧЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2018 йил 23 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Кичик ҳалқа йўли, 52-уй манзилида ўтказиладиган аукцион савдоларга Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 22.12.2015 йилдаги 10-1510/23289-сонли ҳал қилув қарорига асосан, банкрот деб топилган «TORSVIK MNM» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонаси кредиторлар қўмитасининг 15.05.2018 йилдаги 18-сонли йиғилиш баённомасига ва тугатиш бошқарувчисининг 18.06.2018 йилдаги 41-2018-сонли буюртмасига асосан, жамият ҳисобидаги қуйидаги мулклар алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда:

**1-ЛОТ.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани Меҳригиё кўчаси 1-уй манзилида жойлашган, Литер-0001. Қурилиш майдони – 438,0 кв.метр бўлган қурилиши тугалланмаган бино, 80,0п/м темир-бетон девор, 15-сотих ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ва Литер-0002, қурилиш майдони – 257,0 кв.метр бўлган, кўп қаватли тураржой биносининг ертўла қисми.

Бошланғич баҳоси — 1 030 000 000 (бир миллиард ўттиз миллион) сўм.

**2-ЛОТ.** Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Кичик-Бешёғоч кўчаси, 3-А уй манзилида жойлашган, Литер-0001, қурилиш майдони 463,0 кв.метр бўлган ертўла қисми ва 3-Б уй манзилида жойлашган, Литер-0002, қурилиш майдони 340,0 кв.метрдан иборат ертўла қисми.

Бошланғич баҳоси — 2 226 000 000 (икки миллиард икки юз йигирма олти миллион) сўм.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Савдо ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик, шанба ва якшанба дам олиш куни).

**Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 20 июль куни 16:00.**

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пуллари тўлангандан сўнг савдода иштирок этиш учун буюртманома топширишлари лозим.

— **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси, буюртмани ваколатли вакил топширганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ёки қонуний вакиллигини тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, буюртмани ваколатли вакил топширганда унининг тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси билан (жисмоний шахслар учун) ёки талабгорнинг имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланиши шарт.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «BEST LINE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти АТБ «InFinBANK» банк Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани филиали, МФО: 01141, СТИР: 304421042, ОКОНХ: 83100, Ҳ/Р: 20208000300692478001).

**Буюртманомалар қабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш учун мурожаат этиш учун ҳамда савдо ўтказиладиган манзил:** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси 52-уй. Тел: (+998 98) 115-71-97, E-mail: best-line-realtor@mail.ru. Веб- сайт: www.1blr.uz.

**Лицензия RR-0274**

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 19.06.2018 йилдаги №АК-4818/22-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чимбойлиқ қишлоғи манзилида жойлашган умумий ер участкасининг майдони 3,90 га, қурилиш ости майдони 2241,94 кв.м. ва фойдали майдони 1346,81 кв.м. бўлган «Дам олиш оромгоҳи» мулкий мажмуа сифатида очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 11 309 901 000 сўм.

Аукцион ғолиби объект учун тўловларни сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 60 кун ичида амалга ошириши лозим.

Аукцион савдоси 2018 йил 23 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани Авлиё ота кўчаси 13-уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур объект 2018 йил 23 июль куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 31 июль, 8, 16, 24, 31 август, 7, 14, 21 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади ва такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишуви»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖга («Ипак йўли» банки Тошкент шаҳри Миробод филиали, Ҳ/Р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808) тўлашлари лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказишда зарур бўладиган давлат божи, (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан, талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– **юридик шахслар учун** давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– **жисмоний шахслар учун** паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

**Хизматлар лицензияланган RR – №0008.**

## ООО «JAHON TRANS AVTO» ПРИГЛАШАЕТ НА ТОРГИ!

На аукционные торги, которые состоятся 30 июл 2018 года в 17:00, на основании заявки ХКТиО-ОМХДМ Канимехинского района № 22 от 30.05.2018 года выставляется марки «ВАЗ-2106» (1985) технически неисправное, госномер 85 639 КАА. Стартовая цена — 3 617 587 сум.

Заявки для участия в торгах принимается ежедневно, кроме выходных дней, 10:00 до 12:00. Прём заявок прекращается за один день до начала торгов в 17:00. Не реализованные на данных торгах автотранспортные средства будут выставляется на аукционные торги каждый понедельник в 12:00 в течение 2018 года.

Победитель должен заключит договор купли-продажи в течение 20 дней со дня проведения торгов. Претенденты выплачивают залоговую сумму в размере не менее 10 процентов от стартовой цены имущества с указанием названия имущества и дополнительную плату за услуги на расчётный счёт организатора торгов ООО «Jahon Trans Avto» в Навоийском филиале АК «Алока банк» 20208000900565105001, МФО 01007, ИНН 303717852. Место проведения торгов: город Навоий улица Жасорат 24. Свидетельство № 11. RTR-2644.

# Қувватбахшми?..

## ёхуд энергетик ичимликлар саломатликка фойдалими ёки зарарли?

**Телевизорда кишига тетиклик бағишловчи (энергетик) салқин ичимликларнинг ёрқин рангларда рекламаси тез-тез намойиш этилади. Ёзнинг иссиғи, устига-устак киши ҳолсиз бўлган бир пайтда реклама қилинаётган маҳсулотни истеъмол қилишга мойиллик уйғониши табиий. Бугун нафақат ўсмирлар, балки барча ёшдаги инсонларнинг ҳам қўлида ушбу ичимликни учратиш мумкин. Бироқ унинг фойдасидан кўра, саломатлигингизга зарари юқори эканини ҳамма ҳам биладими?**



### МАҲСУЛОТ ТАРКИБИ…

Австралиялик олимлар томонидан ўтказилган «Ўсмирларнинг энергетик ичимликларга нисбатан қарашлари ва ҳиссиётлари» номли тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўсмирлар энергетик ичимликлар таркибида қандай моддалар мавжудлиги ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас.

Албатта, моддалар таркибида ижобий хусусиятлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, кофеин мия фаолиятини кучайтиради ва юракнинг чидамлилигини оширади. Бироқ чарчоқ нималигини сезмаслик учун инсон организми камида 3 та идишдаги қувватбахш ичимлик ичишни талаб қилади. Ичимлик таркибидаги гуаран эса кучли жисмоний зўриқиш чоғида оғриқларни камайтиради, жигарни тозалайди, атеросклерознинг олдини олади. Қолаверса, бу каби ичимликлардаги меҳригиёҳ чарчоқ ва тушкунликни камайтиради, организмнинг ишлашга бўлган иштиёқини оширади. Бундан ташқари, ичимликлар таркибида юракнинг ишчанлигини оширувчи таурин, организм тўқималаридаги ёғли кислоталар парчаланиши ва моддалар алмашинувини яхшиловчи карнитин, очликка қарши курашувчи матеин ва инсоннинг кунлик ритмини мўътадиллаштирувчи мелатонин каби қўшимчалар ҳам бор. Лекин бу ичимликлар таркибида қувват берувчи моддалар билан бир қаторда инсон саломатлигига хавф солувчи кофеин, гуарана, таурин каби моддалар ҳам мавжуд.

Шу сабабли мутахассислар бундай ичимликни кунига 2 банкадан ортиқ ичиш мумкин эмаслигини тавсия қилишган. Акс ҳолда уларнинг артериал босим ва қондаги қанд миқдорини ошириб, депрессия ва асабийликни келтириб чиқариш эҳтимоли юқори. Спорт машғулотларидан сўнг ичилганда организмдаги фойдали суюқликни чиқариб юбориши ҳам аниқланган. Қолаверса, кофеин моддаси асаб тизимининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

### САЛОМАТЛИК КУШАНДАСИ

Қувват ичимликларнинг салбий таъсирлари оқибатида қуйидаги касалликларнинг келиб чиқиши илмий исботланди:

**Юрак хуружи:** Қувват ичимлиги таркибида кофеиннинг юқори миқдорда бўлиши бора-бора юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. У юракнинг қисқаришига олиб келади. Спорт билан шуғулланмайдиган ва жисмоний фаол бўлмайдиган одамларнинг ичимликдан кунига 250 мл.дан ортиқ ичиши юрак фаолиятининг ишдан чиқишига сабаб бўлади.



**Бош оғриғи ва мигрен:** Тана қувват ичимлиги орқали озиқланадиган юқори миқдордаги кофеинга ўрганиб қолгач, унга эҳтиёж сезилиши билан бош оғрий бошлайди ва тобора кучаяди. Бу гўё гиёҳванд моддага ўрганиб қолишга ўхшайди. Агар кеча ичилганидан 50 мл. кам ичимлик ичилса ҳам бош оғриғи орқали тана бундан норози бўлади.

**Бетоқатланиш ва асабийлашиш:** Ортиқча кофеин инсон миясида безовталикни келтириб чиқаради. Энергетик ичимликка муккасидан кетиш юқори даражадаги саросималикни келтириб чиқаради.

**Уйқусизлик:** Танага юқори миқдорда қувват киргач, одам қандай қилиб ухлаши мумкин? Уйқусизлик эса асаб тизимига салбий таъсир қилади, модда алмашинувини издан чиқаради, тушкунликка сабаб бўлади.

**Инсулинга боғлиқ бўлмаган (2-тур) қандли диабет:** Қувват ичимлиги таркиби шакарга ҳам бой. Ичимлик ошқозоности безининг инсулин ишлаб чиқарувчи тўқималарини зарарлайди ва ўлдиради.

**Тобелик:** Айниқса, моддий жиҳатдан қийналганда бу ичимликка қарам бўлиб қолганларнинг ҳоли оғирлашади. Улар банги каби ўзларини билмай қолади.

**Юқори қон босими:** Кофеинга бой маҳсулотлар қон босимини оширади. Қон босими кўтарилиб турувчи одамлар бу ичимликка боғланиб қолса, ҳаётларини хавфга қўйган бўлади.

**Кўнгил айниши ва бошқалар:** Меъёридан ортиқ энергетик ичимлик овқат ҳазм қилишни қийинлаштириб, кўнгилни айнитади. Ичимлик тананинг сувсизланиши ва тишларнинг емирилишига сабаб бўлади. Қувват ичимлигини кўп истеъмол қилиш тери касалликларини ҳам келтириб чиқаради.

### ЭНДИ СОТИЛМАЙДИ(МИ?)

Дунёнинг бирорта давлати унинг истеъмол қилинишини буткул тақиқлаган эмас. Фақат ёш тоифасига қараб ёки аҳолининг айрим қатламлари учун энергетик ичимликларни истемол қилиш ёки уларга сотиш тақиқланган. Масалан, Германия, Франция, Дания, Колумбия, Қувайт, Латвия, Литва, Мексика, Норвегия, Саудия Арабистони сингари давлатларда бундай ичимликларга нисбатан бир томонлама чекловлар қўйилган.

Юртимизда бу маҳсулотни чекловчи қонун ҳужжатлари йўқ. Аммо Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бу борада қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ташаббус кўрсатишмоқда. Лойиҳа бўйича «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Унга мувофиқ, истеъмолчи 18 ёшга тўлмаган бўлса, ичимлик сотилмайди, сотилса ва сотиб олса, энг кам ойлик иш ҳақининг 5-7 бараваридан 15 бараваригача жарима солинади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телеканалларда 7:00 дан тунги 22:00 гача бундай ичимликларни реклама қилишни тақиқлаш, босма рекламада камида 10 фоиз, электронда эса камида 5 секундлик уларнинг зарари ҳақидаги маълумотларни киритиш, 18 ёшга тўлмаганлар орасида ҳар қандай тарғиботни ман қилиш, тиббиёт, спорт, таълим муассасалари, йўловчи ташиш транспортлари, жамоат жойларида ушбу ичимликларнинг рекламасини тақиқлаш каби ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф қилинган. Ушбу қонун лойиҳаси парламент томонидан маъқулланса, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида яна бир хайрли қадам ташланади.

### ХУЛОСА СИЗДАН…

Маълумотлардан кўринадики, энергетик ичимликларни истеъмол қилиш бозори жаҳон миқёсида йилига 13-15 фоизга кенгайиб бормоқда. Асосий истеъмолчилар 18-35 ёшдаги аҳоли экани ташвишланарлидир. Ачинарлиси, мамлакатимизда унинг эҳтимолий истеъмолчилари аҳолининг 64 фоизини (30 ёшгача бўлганлар) ташкил этиши мумкин!

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, инсон танаси ичимликнинг эмас, балки ўзининг энергия захирасидан фойдаланади. Жисмоний меҳнат билан шуғуллангандан сўнг бундай ичимликларни ичса, одам чарчоқ ҳиссини туймаслиги мумкин. Аммо ушбу ичимликлар вақтинчалик йўқотган чарчоқ эртанги кун учун ёки ичимлик таъсири ўтгандан сўнг икки баробар ортади. Натижада, организм чарчоқни йўқотиш учун яна қувват талаб этади.

Шундай экан, табиий ҳаракатда бўлиш учун сунъий воситалардан меъёридан ортиқ фойдаланиш ҳаёт тарзига жиддий зарар етказишини асло унутмаслик лозим.

**Озода РЎЗИҚУЛОВА,**
«Ishonch» мухбири

---

**Божхона фош этади**

**Давлат божхона қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан мамлакатимизда наркотик моддаларнинг давлат чегаралари орқали ноқонуний айланишига қарши қаратилган тезкор тадбирлар мунтазам давом эттирилмоқда.**

## ВАГОН ОСТИДАГИ ОҒУ



Бу турдаги жиноятлар учун қатъий чоралар белгиланганi сабабли сўнгги пайтларда жавобгарликдан қочиш мақсадида гиёҳванд моддаларни мамлакатимиз ҳудудидан транзит тарзида ўтувчи поезд вагонларига яшириб, гўёки эгасиз тарзда ўтказиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Аммо бу каби ҳолатлар ўз вақтида фош этилмоқда.

Хусусан, божхона ва давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари ҳамкорликда 2018 йилнинг 31 май куни «Бекобод» темир йўл чегара божхона постида қўшни давлатдан республикамиз орқали транзит тарзида ўтаётган юк поездини белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказиш чоғида вагонлардан бирининг остки қисмида кўз илғамас бўшлиқларга жойлаштирилган темир қутилар аниқланди.

Кучли магнит воситаси кўмагида вагон остига маҳкамланган ушбу темир қутилар белгиланган тартибда ва холислар иштирокида очиб кўрилганида, уларнинг ичига полиэтилен ўрамларда 14 кг. 920 гр. оғирликдаги «героин» гиёҳвандлик воситаси яширилгани фош бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан Жиноят кодексининг 246-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

**Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати**

---

**Долзарб мавзу**

## Адашим қарздор, аммо мен айбдор

**Ассалому алайкум, таҳририят! Газетани синчиклаб ўқиб бораман. Хат ёзишдан мақсадим шуки, жорий ойнинг 8-куни ўзимга тегишли хонадонни синглимга ижарага бериш учун ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида нотариусга мурожаат қилдим.**

У ерда Учтепа тумани Мажбурий ижро бюроси томонидан мол-мулкимга тақиқ қўйилгани маълум бўлди. Ўзимга тегишли мол-мулк ва бошқа солиқларни ўз вақтида тўлиқ тўлаганим учун бу ҳолни аввалига оддий англашилмовчилик бўлса керак, деб ўйладим. Лекин Учтепа тумани МИБ ходимлари 75.000 сўм қарздор эканимни ва бунинг учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима тўлашим лозимлигини билдиришди. «Хўш шунга нима бўпти?», дейишга шошилманг! Гап шундаки, мен Шайхонтоҳур туманида истиқомат қиламан ва Учтепа туманида ҳеч қандай мол-мулким йўқ. МИБ ходимларига бу ҳақда айтганимда улар қарздор мен эмас, балки исми шарифи менга ўхшаш бошқа одам бўлиши мумкинлигини билдиришиб, бу масалага маълум вақтдан сўнг ойдинлик киритилишини билдиришди. Табиийки, бу мени қониқтирмади. Чунки исм-фамилияга асосан, мол-мулкка таъқиқ қўйиш, одамларнинг асабини бузиш, ортиқча оворагарчиликка рўбарў қилишнинг ўзи қонунбузарлик эмасми? Аслида тақиқ қўйиш учун қарздорнинг исми шарифи, туғилган санаси ва солиқ идентификация рақамига қаралмайдими? Ахир, бу ҳол «адашинг оғир жиноят содир этгани учун сен жавоб берасан» деган гап эмасми?

Мавриди келгани учун масаланинг бошқа жиҳатини ҳам айтиб ўтишни лозим топдим. Яқинда хорижий ҳамкорларим юртимизга инвестиция киритишмоқчи. Шу сабабли айни кунларда қўшма корхона очиш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни бошлашим керак. Энди уларга «Узр, мол-мулкимга адашиб тақиқ қўйишгани учун ҳамкорлик қилолмайман», деб айтаманми?! Бунга ким жавоб беради?

**Алишер АЗИМОВ**

---

Эълонлар

*Аукцион савдолари хабарномаси!*

## «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларига таклиф этади!

*Аукцион савдоларига АТ Халқ банки Бухоро филиалининг 2018 йил 7 июндаги 09-3/190-сонли буюртма хатига асосан, филиал ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилган.*

**1 лот.** Бухоро шаҳар Алпомиш кўчаси 10/1 уйда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 18,0 кв.метрдан иборат «№056-сонли Мини банк».

Бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм.

**2 лот.** Ғиждувон тумани «Зарангари» ҚФЙ Абади кишлоғида жойлашган, умумий майдони 75,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 75,0 кв.метрдан иборат «Ўзбекистон 029 сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 40 500 000 сўм.

**3 лот.** Ғиждувон тумани «Соктари» ҚФЙ Янгиобод Маҳалла қишлоғида жойлашган, умумий майдони 80,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 80,0 кв.метрдан иборат «Ф.Хўжаев номли 030 сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 40 300 000 сўм.

**4 лот.** Ғиждувон тумани «Сарвари» ҚФЙ Захкаш қишлоғида жойлашган, умумий майдони 79,3 кв.метр, қурилиш ости майдони 79,3 кв.метрдан иборат «А.Навоий номли 032 сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм.

**5 лот.** Ғиждувон тумани «Гулистон» МФЙ Абу Али Ибн Сино кўчасида жойлашган, умумий майдони 76,8 кв.метр, қурилиш ости майдони 76,8 кв.метрдан иборат «Гулистон 052 сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 62 000 000 сўм.

**6 лот.** Ғиждувон тумани Улуғбек кўчасида жойлашган, умумий майдони 16,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 16,0 кв.метрдан иборат «Касса 028 биноси».

Бошланғич баҳоси – 11 600 000 сўм.

**7 лот.** Ғиждувон тумани «Улфатбиби» ҚФЙ Ғишти қишлоғида жойлашган, умумий майдони 78,7 кв.метр, қурилиш ости майдони 78,7 кв.метрдан иборат «Касса 001 биноси».

Бошланғич баҳоси – 7 000 000 сўм.

**8 лот.** Ғиждувон тумани «Фришкент» ҚФЙ Палонзе кишлоғида жойлашган, умумий майдони 75,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 75,0 кв.метрдан иборат «Касса 051 биноси».

Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм.

**9 лот.** Ғиждувон тумани «Пахтаобод» ҚФЙ Кўкработ қишлоғида жойлашган, умумий майдони 78,7 кв.метр, қурилиш ости майдони 78,7 кв.метрдан иборат «Касса 053 биноси».

Бошланғич баҳоси – 31 300 000 сўм.

**10 лот.** Қоракўл тумани «Эски-қалъа» МФЙ Улуғбек кўчасида жойлашган, умумий майдони 80,37 кв.метр, қурилиш ости майдони 80,37 кв.метрдан иборат «023 сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 70 000 000 сўм.

**11 лот.** Қоракўл тумани «Қораҳожи» ҚФЙ Арабхона кишлоғида жойлашган, умумий майдони 52,92 кв.метр, қурилиш ости майдони 52,92 кв.метрдан иборат «Жигачи филиали бино иншоотлари».

Бошланғич баҳоси – 25 000 000 сўм.

**12 лот.** Вобкент тумани «Хайрхуш» ҚФЙ Навбахор кишлоғида жойлашган, умумий майдони 93,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 93,0 кв.метрдан иборат «033-сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 27 000 000 сўм.

**13 лот.** Ромитан тумани «Шўрча» ҚФЙ Пойжуй кишлоғида жойлашган, умумий майдони 1200,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 114,40 кв.метрдан иборат «Халк банки 09-сон шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 53 000 000 сўм.

**14 лот.** Ромитан тумани «Шўрча» ҚФЙ Кокиштувон кишлоғида жойлашган, умумий майдони 1000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 114,4 кв.метрдан иборат «027-сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 65 000 000 сўм.

**15 лот.** Бухоро тумани «Кавола Махмуд» ҚФЙ Махалиёрак қишлоғида жойлашган, умумий майдони 678,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 144,0 кв.метрдан иборат «010-сонли шохобча биноси».

Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм.

**16 лот.** Пешку тумани «Дўстлик» МФЙ Маҳалла-Мийрон кишлоғида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 96,64 кв.метрдан иборат «Дўстлик минибанк биноси».

Бошланғич баҳоси – 52 000 000 сўм.

***Аукцион савдолари 2018 йил 17 июл куни соат 11:00 да Бухоро шаҳри Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси 28-уй манзилида бўлиб ўтади.***

**«Аукцион ташкилотчиси»** — «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари;

– **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси;

– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти (АТБ «Турон банк» Бухоро вилояти филиали, Ҳ/Р: 20208000704953182001, СТИР: 302118823, МФО: 00111).

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун аукцион ташкилотчиси манзили:** Бухоро шаҳри Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси 28-уй (2-қават). Тел.: (+998 91) 405-73-47. E-mail: mauzatak@mail.ru.

**Лицензия № RR-0117.**

*Аукцион савдолари хабарномаси!*

## «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларига таклиф этади!

*Аукцион савдоларига АТ Халқ банки Бухоро филиалининг 2018 йил 7 июндаги 09-3/189-сонли буюртма-хатига асосан филиал ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:*

**1 лот.** 2010 йилда и/ч, DAMAS русумли, д/р 80/822HAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 27 000 000 сўм.

**2 лот.** 2006 йилда и/ч, NEXIA русумли, д/р 80/282MAA автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 26 600 000 сўм.

**3 лот.** 2007 йилда и/ч, NEXIA русумли, д/р 80/775KAA автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм.

**4 лот.** 2009 йилда и/ч, LADA 11184 114 30 русумли, д/р 80/568CBA автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 16 700 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 17 июль куни соат 11:00да Бухоро шаҳар Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

«Аукцион ташкилотчиси» — «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари;

– **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси;

– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (АТБ «Қишлоққурилишбанк» Бухоро минтақавий филиали, Ҳ/Р: 20208000300842711002, СТИР: 305300366, МФО: 00115).

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун аукцион ташкилотчиси манзили:** Бухоро шаҳри Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси 28-уй (2-қават). Тел: +998 99 350-75-05. E-mail: bas_savdo@mail.ru.

**Гувоҳнома № 576174.**

---

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-90) 991-55-71
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
С. Абдураҳмонов
**Навбатчи:**
Н. Маҳамов
**Мусаҳҳиҳ:**
З. Исмоилов
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — **00:30**
Топширилди — **00:50**
1 2 3 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 609.**
**29561** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**